

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИКДА - МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Ботиров М., ГулДУ ўқитувчиси

Жонажон Ўзбекистонимиз ўзининг мустақиллигига эришган дастлабки кунлардан бошлаб, Президентимиз томонидан миллий қадриятларни тиклашга алоҳида эътибор қаратилди.

Миллий қадриятларга миллатнинг тили, дини, урф-одатлари, анъаналари, байрамлари, ўзаро мулоқоти ва бошқалар қиради.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, аҳолининг саломатлиги, ёш авлоднинг баркамол ўсиши, инсон манфаатлари, оила мустаҳкамлиги, она ва бола саломатлиги, инсонлар ўртасида меҳр-оқибатли бўлиш, мурувват кўрсатиш, жойларда аҳолини ўз-ўзини бошқариш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» асарида: «Болалар-бу бизнинг келажакимиз»- деб таъкидлаб ўтади.

Мактаб ўқувчилари ва талабалар ўртасида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод ўйинлари» ва «Универсиада» спорт-мусобақаларининг ўтказилиши, ёш авлоднинг чиникиши, соғлом ўсишига, келажакда ватан ҳимоячилари бўлиб етишишида пойдевор ҳисобланади. Бўлиб ўтаётган мусобақаларда чиниққан ўғил-қизлар жаҳон спорт майдонларидан Ўзбекистон байроғини баланд кўтараяптилар. Ўзбек курашининг республикадан ташқарига - жаҳон ареналарига олиб чиқилиши миллий қадриятларимизни жаҳон халқлари тан олганлигининг ёрқин ифодасидир.

Ўтган 2009 йилни Президентимиз томонидан «Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» - деб номланиши кишиларни янада бирлашишга, бир-бирларига меҳр-муруватли бўлишга ундади.

Халқ турмуш тарзи ва маънавиятини таркибий қисми унинг азалий урф-одатлари, маросимлари ва байрамлари ташкил этади. Халқнинг сеvimли байрами ва миллий қадриятлардан яна бири - Наврўзнинг тикланиши ҳам юртимиз тарихида катта воқеа бўлди.

Президент фармонида кўра Ўзбекистонда «Наврўз» ҳар йили 21 март куни умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди. Бундан 3000 йил илгари ер юзида яшаб ўтган аجدодларимиз ёзувларига асосланган «Авесто» китобида янги кун бошланиши - Наврўз-яъни янги кун, йилнинг бошланиши деб эътироф этилган.

Ўзбекистонда дунёвий давлат, бинобарин, мамлакатимизда дин давлатдан ажратилган. Аммо шундай бўлса ҳам, дин жамиятдан ажрашини, хусусан, Ўзбекистон сингари қадимий ва барқарор диний анъаналарга эга мамлакатда бу борада ғоят эҳтиёткорлик билан сиёсат юритиш лозимлигини ўз вақтида тўғри англаб етилди. Бу Президентнинг куйидаги фикрларида ўз ифодасини топди: «Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Бу дунёнинг ўткинчи эканлигини таъкидлаб, одам боласини хушёр бўлишга, яхши из қолдиришига ундаб туради.

Рамазон ва қурбон хайитларини кенг нишонлаш, оммавий сайиллар уюштириш билан бирга кишилар ўз яқинлари, маҳалладошлари, етим-есирлар ҳолидан хабар олиб турадилар ва бу анъанага айланиб борапти.

2010 йил мамлакатимиз Президенти томонидан «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан, мактаб ўқувчилари, талаба-ёшлар ўртасида қадим тарихдан, аجدодларимиздан бизгача етиб келган анъаналару-удумларимиз, миллий байрамларимиз мазмун ва моҳиятини таълим-тарбия жараёнида янада чуқурроқ тушуниришни талаб этади.

